

АБМК ТҮГОНСИЗ СУВ ОЛИШ СОҲАСИДА ЎЗАН ЖАРАЁНЛАРИ ЖАДАЛЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ДАЛА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Фарход ЖАМОЛОВ, асистент,
Қувончбек ЯКУБОВ, доцент, ТИҚХММИ МТУ,
Мунирахон БАРНАЕВА, докторант,
ТИҚХММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариши институти

Аннотация

Амударёning ўрта оқимида жойлашган йирик түғонсиз сув олиши иншооти бу Аму-Бухоро машина каналига сув олиш иншооти ҳисобланади. Асосан Ўзбекистон Республикасининг Бухоро вилоятини сув билан таъминлайдиган йирик иншоотидир.

Калим сўзлар: АБМК, дарё, сув сатҳи, сув оқими, ўзан.

Амударё ўзанидаги жараёнларнинг таснифи бўйича ҳаракатчан ўзанли дарёлар таркибига киради. Амударёдан кираётган сувнинг лойқалиги ўртacha 5 кг/м³ миқдорни ташкил қилиб, йиллик канал ўзанига кираётган нанослар миқдори 8-10 млн. тоннани ташкил қиласди [1]. Бу соҳада ҳам дарё ўзани қайир бўйлаб ҳаракатланиб туради. Амударё ўзанининг ҳаракатланувчанлиги, Аму-Бухоро машина каналига түғонсиз сув олиш иншооти соҳасида сувни кафолатли ва сифатли олинишини доимий тарзда мурракаблигини таъминлаб туради. Сув олиш бош иншоотига сув олишни яхшилаш бўйича бир қанча тадбирлар ўтказилиб туради, бош каналнинг кириш қисми қайта лойиҳалаштирилиб, қайта қурилиш ҳам амалга оширилган. Таъкидлаш лозимки, эксплуатация жараёни бошлангандан буён оқим ўқи ўзгарувчан бўлиб, асосий фарватер доимо чап қирғоқ томонда бўлади. Межен даврида Амударё ўзани асосан ушбу соҳада битта тармок орқали ҳаракатланади [2]. Дарё ўзанида чуқурлик ва планли деформациялар жадал кечади. Сув оқимининг кескин кўтарилиб, пасайиши ва сарфни ўзгарувчанлиги натижасида түғонсиз сув олиш иншооти пастки соҳасида дейгиш жараёни ҳам рўй беради. Сув олиш иншооти соҳасида деформациян жараёнларнинг жадал рўй бериши натижасида Амударёning ўзани туби баландлиги кўтарилиши ҳам кузатилади. Тубнинг кўтарилиши лойқа босиш жараёнини тезлаштиради ва сарфни сув олиш бош иншоотига кираётган миқдорини камайтиради.

Амударё тадқиқот обьекти соҳасида тез ювиладиган грунтлардан ўтади. Амударё ўзанида антропоген таъсиrlар натижасида йирик масштабдаги ўзандаги қайta тикланмайдиган жараёнлар кечиши жадаллашмоқда. Тадқиқот ишининг асосий вазифалари ижроси нуқтаи назаридан қурилган иншоотлар таъсирида дарё ўзанида кечаётган чуқурлик ва пландаги деформацияларга батафсилоқ тўхтalamiz.

Амударё ўзанида кечаётган чуқурлик бўйича деформацион жараёнларни таҳлил қилиш учун тадқиқот соҳасида ўтказилган дала кузатув ишлари олиб борилди. Бунга асосан оқимнинг гидравлик


Annotation

A large damless water intake facility located in the middle reaches of the Amudarya is the Amu-Bukhara Machine Canal Water Intake Facility. It is a large facility that mainly supplies water to the Bukhara region of the Republic of Uzbekistan.

Key words: АБМК, river, water level, stream, stream.

параметрлари динамикаси таҳлил қилинди.

Тадқиқот соҳасида сув сатҳи эгрилигининг қиялиги 0,0002 : 0,00025 қийматни ташкил этган (1-расм).






1-расм. АБМК түғонсиз сув олиш ҳудудида қўйи қисми Амударё ўзани туби кўндаланг кесими динамикаси.

Расмдан кўриниб турибдики, түғонсиз сув олиш иншооти түғонсиз сув олиш бош иншоотининг таъсирида оқим қайта тақсимланиб, ўнг ва ўрта ирмоқларда ўзан туби баландлик белгиси кўтарилиб, ирмоқларнинг қайта шаклланиш жараёни кечмоқда.

Бундан ташқари, Аму-Бухоро машинали каналига түғонсиз сув олиш иншооти соҳасида сарфнинг чуқурликка ва ўзан кенглигига боғлиқларни динамикаси ҳам турли характерга эга.

Сув оқими тадқиқот соҳасида ўртacha тезлик билан деярли пропорционал шаклда ўзгариб туради. Айрим йилларда бу мутаносиблик маълум бир ко-нуниятга бўйсунса, айрим даврларда уларнинг ўзаро боғлиқларни даражаси паст бўлган.



2-расм. Оқим сатҳи билан чўқурлиги боғлиқлиги динамикаси.

Оқимнинг ўртача тезлиги кенг диапазонда ўзгарган. Айrim ҳолларда ўзан туби грунтларининг йўл кўйиладиган тезлигидан бир неча маротаба катта бўлганлигини кўриш мумкин.

Оқимнинг лойқаланганлиги баҳор-ёз даврларида ўзининг максимал қийматларига етган. Сув оқими куз ва қиши даврларида максимал даражада тиниқлашиши кузатилган.

Чўқурликни ўзгариш динамикаси сув сатҳи кўтарилиганда ўзан тубининг баландлик белгиси кўтарилишини, кам сувли даврида у пасайишини кўрсатди. Бу холосани бир неча йиллик тадқиқотлар натижалари кўрсатди. Кўп йиллик оралиғида сарф ва ўзан туби баландлиги деярли ўзгармасдан

қолишилигини кўрсатди. Бу доимийлик эса сўнгти графикдаги натижага асосан, оқимнинг нанослар билан тўйинганлиги юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.



3-расм. Амударё сувининг лойқалигининг йиллар давомида ўзгариши.

Таъкидлаш лозимки, тадқиқот соҳасида оқимнинг ўртача тезлиги дарё ўзани ўтадиган ушбу замин грунти учун йўл кўйиладиган ювилмас тезликдан бир неча маротаба катта бўлса-да, сезиларли чўқурлик бўйича деформациялар кечмайди. Бунинг сабабини тадқиқот обьекти соҳасида оқимнинг нанослар билан юқори даражада тўйинганлиги билан асослаш мумкин. Бу соҳада муаллақлашган ва ўзан туби бўйлаб сирпаниб ҳаракатланувчи наносларнинг фракцион таркиби ҳам фикримиз асослигини кўрсатади.

Хуносা.

1. АБМК тўғонсиз сув олиш бош иншооти соҳасида эксплуатация жараёни бошлилангандан буён оқим ўқи ўзгарувчан бўлиб, асосий фарватер доимо чап кирғоқ томонда бўлади. Кам сувли даврда Амударё ўзани асосан ушбу соҳада битта тармоқ орқали ҳаракатланади.

2. Дала тадқиқотлари натижасида чўқурликни ўзгариш динамикаси сув сатҳи кўтарилиганда ўзан тубининг баландлик белгиси кўтарилишини, кам сувли даврида эса унинг пасайишини кўрсатди.

3. Ўзанинг интенсив, жадал қайта шаклланиши ва сув олиш каналлари узунилиги бўйича лойқалар чўкиши жараёнининг мураккаблиги тозалаш ишларини ташкил этишда земснарядларнинг мавжуд бўлган паркини рационал ишлатишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bazarov D., Norkulov B., Vokhidov O., Jamalov F., Kurbanov A., & Rayimova I. (2021). Bank destruction in the middle section of the Amudarya River. In E3S Web of Conferences (Vol. 274, p. 03006). EDP Sciences.

2. Базаров Д.Р., Норкулов Б.Э., Жамолов Ф.Н. Проведение руслорегулировочных работ в районе бесплотинного водозабора АБМК // Журнал агро процесинг, 2021. — № 3(4).